УДК: 371:1(27)

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРУВЧИ ТИЗИМЛАР ТАҲЛИЛИ ВА САМАРАДОРЛИГИ (МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИ МИСОЛИДА)

Ғ.Р. Отамуродов

Барча соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишдан аввал, албатта, халқаро тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва натижаларни кузатиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги босқичда таълим ва фан нафақат маданий, балки сиёсий ва ҳал қилувчи омиллардан бири иқтисодий ривожланиш, шунингдек, халқаро миқёсдаги мулоқотнинг самарали йўлдир. Бу босқичда, айниқса, қачон ахборот алмашиш, юқори малакали мутахассислар ва истиқболли илмий тадқиқотларни, иқтисодий ривожланган дунёнинг кўплаб мамлакатлари муваффақиятини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: *масофавий таълим, хориж тажрибаси, масофавий малака ошириш, узлуксиз, ҳаёт давомида таълим олиш.*

Прежде чем проводить реформы во всех сферах, конечно, важно изучить международный опыт, проанализировать и проконтролировать результаты. В современном мире образование и наука являются не только культурным, но и политическим, а также одним из решающих факторов экономического развития и эффективным способом международного общения. На данном этапе важно учитывать успехи многих стран экономически развитого мира, особенно при обмене информацией, высококвалифицированными специалистами и перспективными научными исследованиями.

Ключевые слова: *дистанционное обучение, зарубежный опыт, дистанционное повышение квалификации, непрерывное обучение на протяжении всей жизни.*

Кириш

Маълумки, ҳар бир таълим муассасаси ўз таълим жараёнини бошқариш учун замонавий технологиялардан келиб чиққан ҳолда, ўзининг виртуал ахборот таълим муҳитини яратишга ҳаракат қилади. Ҳозирги вақтга келиб, виртуал ахборот таълим муҳитини яратишнинг ҳожати қолмаган, чунки Web муҳитига мослашган ҳар хил турдаги дастурий мажмуалар жонкуяр дастурчи ва таълим соҳасида ишлаб келаётган ходимларнинг ҳамкорликда ишлашлари, шунингдек, таълимга йўналтирилган фондлар томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида, эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар яратилган. Ҳозирги босқичда таълим ва фан нафақат маданий, балки сиёсий ва ҳал қилувчи омиллардан бири иқтисодий ривожланиш, шунингдек, халқаро миқёсдаги мулоқотнинг самарали йўлдир. Бу босқичда, айниқса, қачон ахборот алмашиш, юқори малакали мутахассислар ва истиқболли илмий тадқиқотларни, иқтисодий ривожланган дунёнинг кўплаб мамлакатлари муваффақиятини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.


Таълимни бошқарув тизимлари (LMS – Learning management systems) – билим олиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун мўлжалланган видеодарс, маъруза материаллари, тақдимот, китоб каби ўқув материаллари мажмуасидан иборат мулоқот режимида ишлай оладиган инсон-машина мажмуаси ёки масофавий таълим шакли.

Learning (ўқитиш) – LMS ёрдамида электрон курс ёки ўқув материалларининг ягона базасини яратиш мумкин. Бундай база мавзу бўйича

шакллантирилган билимлар омборидир.

Management (бошқарув) – таълимни администратор (ёки курсни ташкил этувчи ўқитувчи) бошқариб боради. У таълим олувчилар учун курс, топшириқ ва тестларни белгилаб беради ҳамда уй вазифалари бажарилишини назорат қилиб боради.

System (электрон тизим) – LMS ўқитувчининг ўрнига ҳар бир таълим олувчи берилган топшириқ ёки тестни қанча вақтда ва қандай топширганини текшириб, қайд этиб боради. Ҳисоботлар орқали таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кузатиб бориши ҳам мумкин.



1-расм. LMS тизими.

LMS интерфейси замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларга асосланган таълим тизими бўлиб, таълим берувчи ва таълим олувчи билан мулоқот олиб бориш ҳамда хоҳлаган вақтида, исталган жойдан туриб мустақил равишда шуғулланиш имкониятини таъминлайди.

LMS тизимларининг асосий вазифалари:

- ўқув контентлари билан ишлаш – курс яратувчи ўқитувчилар томонидан электрон ўқув материаллари (матнли, аудио, видео ва б.)ни яратиш ва киритиш; электрон материалларни импорт/экспорт қилиш; электрон кутубхона ташкил этиш; муаллифлик дастурлари ёрдамида яратилган электрон ўқув ресурсларини юклаш;

- ўқув жараёнини бошқариш – тизим фойдаланувчилари (курс яратувчи ўқитувчилар, ўқитувчилар, ўқувчилар ва бошқалар)ни рўйхатдан ўтказиш; синфлар яратиш ва ўқувчиларни синфларга бириктириш; таълим олувчиларнинг мустақил таълим олиш муҳитини яратиш; ҳар хил ижтимоий сўровларни ташкил этиш; фойдаланувчиларни ўқув курслардан четлаштириш;

- баҳолаш – назорат топшириқлари (амалий машғулот топшириқлари, савол ва тестлар)ни киритиш; таълим олувчиларнинг ўзлаштириши ва билим даражаси мониторингини олиб бориш; сертификатлар (дипломлар) бериш;

- фойдаланувчилар ўртасида ўзаро алоқа – таълим олувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро индивидуал ёки гуруҳ бўлиб, ҳамкорликда ишлашини ташкил этиш; таълим олувчиларнинг ўзаро ёки ўқитувчилар билан мулоқотини чат, форум, видеоконференция орқали ташкил этиш; ўқув жараёнига тааллуқли эълон, хабар ёки янгиликларни оммавий тарзда узатиш.



2-расм. LMS тизимларининг асосий вазифалари.

LMS тизимининг афзалликлари:

- фойдаланишнинг эркинлиги – таълим олувчи тизимдан деярли ҳамма жойда фойдаланиши мумкин. Ёши катта таълим олувчилар эса асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда таълим олишлари мумкин;

- ўқиш харажатларини камайтириш – методик адабиётлар сотиб олиш учун маблағ талаб қилинмайди;

- мослашувчанлиги – ўқув жараёни ўқитувчи ва таълим олувчи имконият ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши мумкин;

- замон билан ҳамнафаслиги – электрон курс фойдаланувчилари, хусусан, ўқитувчи ва ўқувчилар ўз билим, кўникмаларини энг янги замонавий технология ва стандартларга мувофиқ ривожлантириб борадилар. Бунда электрон ўқув курслар материалларини тезкорлик билан ўз вақтида янгилаб туриш имкониятлари мавжуд;

- таълим олишнинг теңглиги – ўқитиш маълум бир таълим муассасасидаги ўқитиш сифатига боғлиқ бўлмайди;

- билимларни баҳолашнинг объектив мезонини белгилаш имконияти – ўқув жараёнида ўқувчи томонидан ўзлаштирилган билимларни баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаб олиш мумкин;

- тажриба алмашиш – мулоқот қилиш, хабарлар алмашиш учун чат, блог, форум ва конференциялардан фойдаланиш мумкин;

Педагог касбий компетентлигини электрон таълим муҳитида, яъни LMS (Learning Management System) тизими оммавий очиқ онлайн курслар имкониятидан фойдаланиб, ривожлантиришга самарадорлигининг икки жиҳатини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

• ижтимоий самарадорлик;

• иқтисодий самарадорлик.

Ижтимоий самарадорлик – педагогнинг психологик ва ижтимоий ҳолатидан келиб чиқади ва фикримизча қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Танлаш имкониятининг мавжудлиги. Замонавий таълим тизимида компетентли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу педагогга танлаш имкониятини яратишдан иборатдир.

2. “Стресс” ҳолатларнинг минималлашувига эришиш. Педагог оила даврасидан ва ўз жамоасидан ажралмаган ҳолда таълимни ташкил қилиши мумкин, бунда жараён ортиқча қоғозбозликлардан холи эканлиги.

3. Вақтдан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади ва вақтни тўғри тақсимлай олиш кўникмалари шакллантирилади.

4. Халқ таълими тизимида ва мутахассислик фанларига доир ахборот ресурслари ҳамда маълумотлар базасини излашга доир муаммолар бартараф этилади. Онлайн таълим орқали, профессионал профессор-ўқитувчиларнинг аудио, видео ва визуал материаллари ўзлаштирилади.

Умуман олганда электрон муҳит орқали тингловчиларнинг компетентлигини ошириш имконияти яратилади.

Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган педагог ходимлар таълим жараёнидан ажралган ҳолда, малака ошириш курсларида таълим олишини иқтисодий таҳлилини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Мавжуд малака ошириш тизимларига таянамиз. Таҳлилни педагог малакасини оширишга сарфланадиган харажатларнинг асосийларини ажратиб олишдан бошлаймиз:

1. Малака ошириш жалб этилган ўқитувчининг ўқув юкламасини бажариш учун ўртача 2300,0 минг сўм;

2. Педагогнинг хизмат сафарида транспорт харажати 100,0 минг сўм;

3. Кунлик сарф-харажат 27,0 минг х 24 (кун) = 648,0 минг сўм;

4. Педагогнинг малака ошириш даврида бир тингловчи учун давлат томонидан қилинадиган харажат (ўртача) 855,0 минг сўмни ташкил этади.

Умумий ҳисобда бир нафар педагогнинг малака ошириш давридаги умумий сарф-харажатлар 3903,0 минг сўмни ташкил этади.

Ҳисоблаш ишларини республика умумтаълим муассасалари мисолида кўриб чиқамиз. Умумий 532000 нафардан ортиқ ўқитувчи фаолият кўрсатади. Малака ошириш талаблари бўйича ҳар бир педагог ҳар 5 йилда малака ошириш курсларидан ўтиши лозим. Демак, ўрта ҳисобда ҳар йили камида 20% педагоглар малака оширишлари лозим. Бу миқдор бир йилда ўртача 106 400 нафарни ташкил этади. Юқоридаги таҳлилий маълумотлар асосида иқтисодий самарадорликни ҳисоблаймиз.

1-жадвал

Мавжуд малака ошириш курсларида педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириш учун қилинадиган молиявий сарф-харажатлар

№	*Сарф-харажат турлари*	*Битта педагогга сарфланадиган харажатлар (минг, сўм)*	*Бир йилда малака оширадиган тингловчилар (нафар)*	*Умумий сарф-харажатлар (млн, сўм)*
1.	Педагогнинг таълим муассасасида сақланиб қолган бир ойлик иш ҳақи	2 300,0	106,4	244 720,0
2.	Педагогнинг хизмат сафарида транспорт харажати	100,0	106,4	10 640,0
3.	Кунлик сарф-харажатлар	648,0	106,4	68 947,2
4.	Педагогнинг малака ошириш даврида бир тингловчи учун давлат томонидан ажратиладиган харажат	855,0	106,4	90 972,0
ЖАМИ:		3 903,0	106,4	415 279, 2

Ҳозирги мавжуд малака ошириш ҳудудий марказларида педагогларни малакасини ошириш мақсадида республика миқёсида бир йилга 106 400 нафар раҳбар ва педагог ходимларининг малакасини ошириш учун жалб этилади. Малака ошириш курсларида педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириш учун қилинадиган молиявий сарф-харажатлар 415 279 200 000 сўмни ташкил этади. Битта педагог учун бу миқдор 3 903 000 сўмни ташкил этади.

$$S\ C_{МО} = C_1 + C_2 + C_3 + ... + C_н = 415\ 279\ 200\ 000 \text{ сўм.}$$

Битта педагогнинг малакасини ошириш учун сарфланадиган харажатлар $S\ C_{пед1}$ = 3 903 000 сўмни ташкил этади.

Малака оширишнинг замонавий услубларидан бири, “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформасидан фойдаланиб малака ошириш ташкил этилса, сарфланадиган харажатлар кўрсатгичларини қуйидаги йўналишларда қарашимиз лозим бўлади:

1. Ахборот коммуникациялардан фойдаланиш харажатлари. Албатта, бу йўналишда интернет ресурсларидан кенг фойдаланишга тўғри келади ва бунинг учун 100,0 минг харажатлар қилинади.

2. Умумий “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси умумий сарф-харажатлар (ходимлар, тизимни ривожлантириш, дастурий таъминот, техник хизмат кўрсатиш ва бошқа харажатлар) 16 398 000,0 минг сўмни ташкил этади.

2-жадвал

“Узлуксиз касбий таълим” электрон платформасида касбий компетентликни ривожлантириш учун қилинадиган харажатлари

№	Сарф-харажат турлари	Сарфланадиган харажатлар (минг, сўм)	Кўрсатгичлар	Умумий сарф-харажатлар (млн, сўм)
1.	Бўлим ишчи ходим иш ҳақи (32 нафар)	2 500,0	32 нафар	960,0
2.	*Курс материалларини яратиш (38 та курс учун) 1 та контент учун 5 соат ҳисобида	550,0	1356 мавзу	745,8
3.	*Монтаж ишлари	150,0	1356 мавзу	203,4
4.	Дастурий таъминот учун ва техник хизмат кўрсатиш	100 000,0	12 ой	1 200,0
Жами:				3 109,2

***949 200 000** x 14 та (ҳудудий МО маркази) **= 13 288 800 000**

“Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси орқали онлайн малака ошириш ташкил этиб, уларнинг ўқишларини самарали ташкил этиш учун кетадиган сарф-харажатлар рес-публика миқёсида бир йилда 16 398 000 000 сўмга тўғри келмоқда.

Умумий сарф-харажатлар миқдори: S $C_{УКТ}$ = 16 398 000 000 сўм.

У ҳолда “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси онлайн малака ошириш орқали касбий компетентликни ривожлантириш асосида бир йилда республика миқёсида иқтисод қилинадиган маблағни аниқлаймиз.

Иқтисод қилинадиган умумий сарф-харажатлар миқдори:

$Э_1$ = S $C_{МОн}$ - S $C_{УКТ}$ = 415 279,2 млн – 16 398,0 млн = 398 881,2 млн сўм.

Юқоридаги сарф-харажатлар келтирилган жадвалларни қиёсий баҳоласак, республикамизда фаолият олиб борадиган таълим муассасасида “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси орқали касбий компетентликни ривожлантириш ижтимоий психологик самарадорликни ҳисобга олмаганда, фақат иқтисодий жиҳатдан **25,3** маротаба самаралигини кўриш мумкин.

Малака ошириш соҳасини тубдан янгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон қарори билан соҳада янги тартиб жорий этилиши белгиланган бўлиб, амалдаги тартибга мувофиқ, халқ таълими ходимлари, шу жумладан, ўқитувчилар ҳар 5 йилда бир марта – бир ойлик малака ошириш курсига жалб этилиши белгиланган. Ушбу қарорда эса 5 йилда бир марта эмас, балки ҳар йили, иложи бўлса – ҳар куни ўз малака савиясини такомиллаштириб бориши белгиланган [1].

Шунинг учун халқ таълими ходимларининг ҳар йили малака оширишларини назарда тутувчи “ҳаёт давомидаги узлуксиз касбий ривожланиш таълими” жорий этилди.

“Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси ишга туширилиши нима берди?

Фойдаланувчига:

- иш фаолиятида узилиш бўлмайди.

- ходимларнинг яшаш ва ишлаш жойидан бир ойга ажралишига ҳожат қолмайди;

- мустақил таълим шаклида “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасидан фойдаланган ҳолда, малака оширишда ўқиш муддатларини ва суръатларини ходимнинг ўзи белгилайди;

- малака оширишнинг турли муқобил шакллари жорий этилиши натижасида ўқитувчи касбий эҳтиёжлари асосида хоҳлаган курсни танлаб малака ошириш ва унга белгиланган кредит балларини жамлаш имконияти пайдо бўлди;

- ўқувчилар таълим олиши ва таълим сифати узилишларининг олди олинди;

- ўқитувчилар касбий фаолиятидаги муваффақиятлари (ўқувчиси фан олимпиадаларида ўрин олса, илмий фаолият юритса, халқаро курсларда ўқиса ва ҳ.к.) малака оширишнинг муқобили сифатида тан олиниши;

- тизимнинг энг яхши амалиётлари ва энг сифатли ҳамда жозибадор таълим контентлари билан танишиш имконияти;

- бир вақтнинг ўзида платформадан компьютер, планшет ёки телефон орқали tas-ix тармоғи орқали фойдаланиш имконияти.

Халқ таълими тизимига:

- Халқ таълими тизими ходимларининг ишдан ажралмаган ҳолда доимий малакасини ошириш имконияти яратилди;

- Коррупция омиллари бартараф этилди. Тизимда коррупция ҳолатлари билан боғлиқ бўлган битирув малака иши, якуний аттестация ва чиқиш тести, турли оралиқ имтиҳонлардан воз кечилди. Уларнинг ўрнига тингловчиларнинг билимини диагностика қилиш ва ўзлаштириш даражасини аниқлашнинг автоматлаштирилган механизмлари жорий қилинди;

- ўқитувчилар малака оширишга борганда ўрнини бошқа ўқитувчи билан қоплаш муаммоси бартараф этилди;

- ҳар бир туман халқ таълими бўлим раҳбарлари ҳамда фан методисти ўзига бириктирилган ҳудуд ва фан кесимида ўқитувчиларнинг касбий ривожланишини мониторинг қилиш ва баҳолаш имконияти яратилди;

- амалиётда педагогларнинг малака оширишдан четда қолиб кетиши ҳолатлари мавжуд эди. Платформада тизимдаги барча халқ таълими ходимларининг маълумотлар базаси шакллантирилади. Ҳар бир педагог ҳар йили мунтазам равишда узлуксиз малакасини оширишга жалб этилади. Бирор педагог эътибордан четда қолмайди.

Жамиятга**:**

- Ўқитувчининг бир ойга малака оширишга кетиши билан боғлиқ оилавий, руҳий, молиявий масалалар билан боғлиқ муаммолар бартараф этилади (12000 нафар тизим ходимларининг сўровнома натижалари асосида).

- Малака ошириш тизимида нодавлат таълим секторининг кириб келиши натижасида малака ошириш таълимида рақобат муҳитининг шаклланиши таълим сифатини оширишга сабаб бўлди.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда инновацион қадам − ҳаёт давомида таълим олиш хорижий тажрибалар асосида ўрганилди ва илмий қиёсий таҳлил қилинди.

Педагогнинг ўз касбий компетентлигини ривожлантириб бориши, мутахассислиги бўйича малакасини доимий ошириб, жаҳон тажрибаси ва илм-фан янгиликларидан мунтазам равишда хабардор бўлиб боришида бугунги кунда жаҳон таълим соҳасида кенг муваффақият билан фаолият кўрсатиб келаётган онлайн таълим олиш тизими самарали восита ҳисобланади. Республикамизнинг халқ таълими тизимида малака ошириш жараёнларида онлайн таълимни ташкил этиш мақсадида глобал интернет тармоғига мўлжалланган таълимни бошқариш тизимини (LMS) яратиш, малака ошириш йўналишларига оид ўқув-методик, ахборот-таълим ресурсларини жойлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий таҳлиллар асосида сарф-харажатларни қиёсий баҳолаш ишлари шуни кўрсатадики, республикамизда фаолият олиб борадиган таълим муассасаларида “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси орқали касбий компетентликни ривожлантириш ижтимоий психологик самарадорликни ҳисобга олмаганда, фақат иқтисодий жиҳатдан 25,3 маротаба самаралигини кўриш мумкин. Бу эса халқ таълими ходимларининг ҳар йили малака оширишларини назарда тутувчи “ҳаёт давомидаги узлуксиз касбий ривожланиш таълими”ни жорий этиш заруратини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021. [Интернет манба]. URL: https://lex.uz/docs/5239538 (Мурожаат этилган сана: 08. 07.21)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020. [Интернет манба]. URL: https://lex.uz/docs/5085887 (Мурожаат этилган сана: 10. 07.21)

3. Парпиев А., Марахимов А., Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Бекмурадов М., Тайлоков Н. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. //Олий таълим муассасалари учун. – Тошкент: ЎзМУ давлат илмий нашриёти, 2008. – 196 б.

4. *Нишонов А.Х., Анарбаева Ф.Ў., Бабамухамедова М.А.* Таълима эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар. // “Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари” мавзусидаги республика илмий-техник конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2012. – Б.121–123.

5. *Абдукодиров А.А., Пардаев А.Х.* Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Фан, 2009. – 146 б.

6. *Ходжаев Н., Шарофаддинов Ш.А., Шорахимов Ш.М., Мирзаев Д.А.* Об одной методике организации электронного занятия. // Илмий ахборотлар, Мухаммад ал-Хоразмий авлодлари, 2019. – № 4 (10). – Б. 147–150.

7. *Алкаров Э.М.* Ахборот-коммуникация технологиялари асосида педагог кадрлар узлуксиз касбий ривожланишини бошқариш самарадорлигини ошириш: Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс… автореферати. – Тошкент, 2021. – 51 б.

8. *Отамуродов Ғ.Р.* Олий таълим муассасалари раҳбар кадларининг бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик: Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс… автореферати. –Тошкент, 2020. – 49 б.

9. Электрон таълим // Таълимда янги технологиялар портали [Интернет манба]. URL: http://elearning.zn.uz (Мурожаат этилган сана: 30.07.21)

10. Онлайн таълим олиш очиқ портфали веб сайти. [Интернет манба]. URL: http://www.atutor.ca (Мурожаат этилган сана: 30.06.21)

EFFICIENCY AND ADVANTAGES OF SYSTEMS THAT CONTROL THE EDUCATIONAL PROCESS (USING THE EXAMPLE OF TRAINING)

G.R. Otamurodov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Pedagogical Research. 2021. 6(58). 5–13.

[1]The Scientific Research Institute for the study of problems and establishment of the prospects of public education named after A.Avloni, Tashkent, 100095, Ziyo street 6 (Uzbekistan). E-mail: info@avloniy.uz

Keywords: distance learning, foreign experience, distance learning, continuous, lifelong learning

It is well known that all educational institutions (establishments) try to create their own virtual informational environment based on Modern Technologies to control educational process. Nowadays, there is no need to create a virtual information learning environment, because of the fact that different types of software packages adapted to the Web environment are created as a result of collaboration of enthusiastic programmers and employees working in the field of education, as well as free and open source software. At the present stage, education and science are not only cultural, but also political and one of the decisive factors in economic development, as well as an effective way of communication at the international level. At this stage, it is especially important to take into account the success of many countries in the economically developed world, especially when exchanging information, highly qualified specialists and promising scientific research. Learning management systems (LMS) - a human-machine complex or a form of distance learning, which

can work in a mode of communication, consisting of a set of educational materials such as video lessons, lectures, presentations, books, designed to organize and manage learning activities.

The main functions of LMS system:

Advantage of LMS system:

Freedom of use the learner can use the system almost anywhere. Older learner, on the other hand, can be educated without leaving the main workplace;

Reduction of reading costs – no funds are required for the purchase of methodical literature;

Social effectiveness arises from the psychological and social state of the educator and, the psychological and social state of the educator and, in our opinion is manifested in the following:

1. Availability of choice. One of the peculiarities of a competent approach in the modern education system is to create an opportunity for the educator to choose.

2. Minimize stress. The educator can organize education without being separated from the family circle and his own team, while the process is free of unnecessary paperwork.

3. Will be able to use time efficiently and develop skills to allocate time correctly.

4. Problems in the system of public education and the search for information resources and databases on specialty subjects will be eliminated. Through online education, audio, video and visual materials of professional professors are mastered.

In general, the electronic environment provides an opportunity to increase the competence of the audience.

In conclusion, we can say that the problems related to family, mental, financial issues related to the departure of a teacher for a month of professional development will be eliminated (based on the results of a survey of 12,000 employees of the system). The formation of a competitive environment in in-service training as a result of the entry of the non-governmental sector in the system of in-service training has led to an increase in the quality of education.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 25 yanvardagi “Xalq ta’limi sohasidagi ilmiy-tadqiqot faoliyatini qo‘llab-quvvatlash hamda uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimini joriy qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4963-son Qarori.(2021) [Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 25, 2021 No. PP-4963 ‘On measures to support research activities in the field of public education and the introduction of a system of continuous professional development’]. Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. [Online]. URL: https://lex.uz/docs/5239538 (Date of access: 08.07.21)

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 6 noyabrdagi “Ta’lim-tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4884-son Qarori. (2020) [Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 6, 2020 No. PP-4884 “On additional measures to further improve the education system”]. Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. [Online]. URL: https://lex.uz/docs/5085887 (Date of access: 10.07.21)

3. Parpiev, A., Maraximov, A. (et.al.) (2008) *Elektron universitet. Masofaviy ta’lim texnologiyalari* [Electronic University. Distance learning technologies]. Oliy ta’lim muassasalari uchun [For higher education institutions]. Tashkent: O‘zMU davlat ilmiy nashriyoti.

4. Nishonov, A.X., Anarbayeva, F.O‘., Babamuxamedova, M.A. (2012) Ta’limda erkin va ochiq kodli dasturiy ta’minotlar [Free and open source software in education]. In: ‘Axborot texnologiyalari va telekommunikatsiya muammolari’ [Information technology and telecommunications problems]. Materials of the Republican scientific and technical conference. Pp 121-123.

5. Abdukodirov, A.A., Pardayev, A.X. (2009) *Masofali o‘qitish nazariyasi va amaliyoti [*Theory and practice of distance learning].Tashkent: Fan.

6. Xodjaev, N., Sharofaddinov Sh.A.(2019) Ob odnoj metodike organizacii elektronnogo zanyatiya [About one method of organizing an electronic lesson]. *Ilmiy axborotlar, Muxammad al-Xorazmiy avlodlari.* No 4 (10). Pp. 147-150.

7. Alkarov, E.M. (2021) Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida pedagog kadrlar uzluksiz kasbiy rivojlanishini boshqarish samaradorligini oshirish [Improving the efficiency of management of continuous professional development of teaching staff based on information and communication technologies]. Abstract of Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in pedagogical Sciences. Tashkent.

8. Otamurodov, G‘.R. (2020) Oliy ta’lim muassasalari rahbar kadlarining boshqaruv kompetentligini rivojlantirishning integrallashgan axborot-metodik tizimi [Integrated information and methodological system for the development of managerial competence of the management staff of higher educational institutions]. Abstract of Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in pedagogical Sciences. Tashkent.

9. Elektron ta’lim. Ta’limda yangi texnologiyalar portali. [E-learning. Portal of new technologies in education].

[Online]. URL: http://elearning.zn.uz (Date of access: 30.07.21)

10. Onlayn ta'lim olish ochiq portfali web sayti. [An online learning portfolio website]. [Online]. URL: http://www.atutor.ca (Date of access: 30.06.21)

Муаллиф ҳақида маълумот:

ОТАМУРОДОВ Ғолибжон Рўзимуродович – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), А.Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими. E-maill: foniy_02_03@mail.ru